

## **МАХМОУД ЗАМАХШАРИ'S WORKS ON ARABIC GRAMMAR**

**Dosmatov Sanjar Toshpolatovich**

International Islamic Academy of Uzbekistan

Department of Arabic language and literature "al-Azhar".

teacher. s. dusmatov@bk.ru

The great thinker Abu-l-Qasim Mahmud Zamakhshari left us a rich and huge scientific heritage. He created many works related to linguistics, lexicology, literature, aruz, geography, tafsir, hadith, fiqh and science of recitation, most of which have come down to us. Mahmud Zamakhshari had deep respect for the Arabic language and literature in his scientific and creative activities and wrote his works only in Arabic. His works covered many (especially social) fields of science in terms of content.

## **МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ АРАБ ГРАММАТИКАСИГА ОИД АСАРЛАРИ**

**Дўсматов Санжар Тошпўлатович**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Араб тили ва адабиёти “ал-Азҳар” кафедраси

ўқитувчиси. s. dusmatov@bk.ru

Буюк мутафаккир Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий бизга бой ва улкан илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, лугатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид жуда кўп асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Маҳмуд Замахшарий ўз илмий ва ижодий фаолиятида, араб тили ва адабиётига чукур хурмат билан қараган ва ўз асарларини фақат араб тилида ёзган. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан илм-фаннынг қўпгина (айниқса ижтимоий) соҳаларини қамраб олган.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг катта қисми араб тилшунослигига оид морфология, синтаксис, фонетика ва лугатшуносликка бағишиланган. Аллома бу соҳада бир қатор нодир асарлар яратган. Бу асарларнинг нодирлиги шундаки, уларда араб тилшунослигининг мураккаб масалалари юксак илмий салоҳият билан ҳал этиб берилган. Шунинг учун ҳам бу асарлар дунё арабшунослигига муносиб ўрин эгаллади. Замахшарийнинг араб грамматикасининг морфология, синтаксис, фонетикага оид асарлари илмий жиҳатдан ажralиб туради. “Ал-муфрад ва-л-муълаф фи-н-нахв” асарида Замахшарий араб грамматикасининг бирлик ва қўплик категориялари ҳақида батафсил маълумот берса, “Рисолату-т-тасаррӯфот” китобида араб тилидаги феълларнинг тусланишига оид конун-қоидаларни баён этган.

Алломанинг тилшуносликка оид асарларига “Шарҳу абиоти китоби Сибавайҳ” асарини ҳам киритиш мумкин. Бу асар араб тилшунос олими Сибавайҳнинг араб тили грамматикасига оид машҳур “ал-Китаб” асарига ёзилган шарҳ ҳисобланади.

Тадқиқотчилар томонидан араб грамматикасида мислсиз қашфиёт деб тан олинган “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асарини Замахшарий Маккада яшаб юрган пайтларида, яъни 513-515/1119-1121 йилларда яратган. Бу асарни яратишда олим Маккада яшовчи энг кичик қабилаларнинг ҳам сўзлашув услублари ва тил хусусиятларини синчилаб ўрганган. Ҳар бир грамматик категория устида узоқ текширишлар олиб борган. Бу изланишлар натижасида араб тили грамматикасига оид етук асар вужудга келган.

Мазкур китобнинг бошқа араб тили грамматикасига оид китоблардан фарки шундаки, унда Замахшарий ўзигача бўлган тилшуносликда мавжуд анъаналарга ижодий ёндошган. Агар Замахшарийгача бу соҳада яратилган асарларда аввал синтаксис, кейин морфология, сўнгра фонетика баён этиладиган анъанавий тартиб ҳукм сурган бўлса, Замахшарий грамматик масалаларга илмий ёндошган ҳолда уларни гап бўлаклари – исм, феъл ва ҳарф бўйича кўриб чиқсан. Ҳар бир қисмда ҳам

сintаксис, ҳам морфология масалалари ўрганилган. Бу усул тўғри бўлганлиги боис, ҳозирда ундан араб тилшунослигига кенг фойдаланилмоқда. Шу сабабли араб тилининг нахву сарфи бўйича “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асари ўша даврнинг ўзидаёқ катта эътибор қозонган. Арабларнинг ўзлари “агар Хоразмлик шу оқсоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини мукаммал билмас эдилар”,-деб, олим илмига тан берганлар. Олимлар Замахшарийнинг мазкур асарини машхур араб тилшунос олими Сибавайҳнинг “Ал-Китоб” асаридан кейин иккинчи ўринга қўядилар.

Бир сўз билан айтганда, “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” илмийлиги жиҳатидан нафақат Шарқ балки, Фарбда ҳам хурмат билан тилга олинади. Йирик инглиз шарқшуноси Гибб мазкур китоб ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Замахшарийнинг “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асари араб тилининг нахву сарфини ўрганишга оид йирик дарслик сифатида Европа арабшунослигига шуҳрат қозонган”. Араб тилини ўрганувчиларнинг аксарияти Замахшарийнинг ушбу китобидан кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Замахшарийнинг тилшуносликка оид яна бир асари “Ал-Унмузаж фи-н-нахв” деб аталади. Бу асарда Замахшарий “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб”нинг мураккаб жойларини бир мунча осонлаштириб, айрим ўринларини эса қисқартириб изоҳлаган.

Асар 515/1121 йилда ёзилган. Муаллиф уни араб тилини тез ва осон ўргатиш мақсадида яратган. Асарга талаб кучли бўлганлиги сабабли ундан кўплаб нусхалар кўчирилган. Машхур тилшунослар унга шарҳ ва ҳошиялар битганлар.

Асарга Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Ардабилий (ваф. 647/1249), Саъдиддин ал-Бардаъий, ал-Ирадий Муртазо Али, Қосим ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад ал-Хоразмий (555/1160-616/1219), Зиёвуддин ал-Маккий сингари араб тилшунослари томонидан ҳам шарҳлар ёзилган.

Замахшарийнинг “Асосу-л-балоға”, “Муқаддамату-л-адаб”, “Таълиму-л-мубтадий ва иршоду-л-муқтадий”, “ал-Муъжаму-л-арабий-форсий” қаби асарлари лугатшуносликка оид нодир манбалардан саналади.

“Таълиму-л-мубтадий ва иршоду-л-муқтадий” ҳамда “ал-Муъжаму-л-арабий-форсий” асарлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Улар хориж каталогларида ҳам учрамайди. Бу омил асарларни дунё бўйлаб кенг тарқалмаганлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади.

“Муқаддамату-л-адаб” дунё бўйлаб кенг тарқалган асар ҳисобланади. Асар фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли маълумотлар берувчи нодир асар бўлганлиги учун кўплаб нусхаларда кўчирилган.

Асар муқаддима ва беш асосий қисмдан иборат. Муқаддимада Замахшарий асарнинг асосий мақсади, унинг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида қисқача сўз юритади, араб тилининг бойлигини, уни ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг исмларнинг турланишига бағишлиланган тўртинчи қисмида араб тилидаги исм туркумiga кирувчи барча сўзларга оид грамматик ҳолатлар изоҳланган. Мазкур қисм араб тили грамматикасининг қийин соҳасига бағишлиланганлиги сабабли зарур манба сифатида, алоҳида кўринишда жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган. У ҳалқ орасида асарнинг бошланиш жумласи, яъни “ҳаракоту-л-иъроб” номи билан танилган. Қўлёзмаларида унинг асл номи кўрсатилган эмас. Демак, “Муқаддамату-л-адаб”нинг исмларнинг турланишига бағишлиланган тўртинчи қисми вақт ўтиши билан ўзининг мукаммалиги, илмий пухталиги сабабли тутал асар даражасига етиб борган ва кенг шуҳрат топган.

Бундан ташқари унинг бошқа асарларида ҳам араб тили грамматикасига оид қисмларни учратиш мумкин. Масалан, унинг «Мақомот» асаридан ҳам парча келтириш мумкин. «Мақомат ан-нахв» кичик бўлишига қарамай, ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда қизиқарли бўлиб, ҳарфларнинг ўзгаришидан тортиб, араб нахвининг мураккаб томонларигача бўлган масалаларни ўз ичига олгандир. Наҳвнинг жуда нозик тарафларини қамраган бу мақома бошқа мақомаларга нисбатан грамматик терминларга энг бой мақомадир. Замахшарийнинг нахв ҳақида юритган фикрлари шубҳасиз эътиборга сазовордир.

Юқоридаги асарлар ёрдамида толиби илм араб тилининг асосий қоидаларини тезда ўрганган ва кейинги мукаммалроқ босқичга ўтиш учун етарли замин тайёрлаган. Асарларда лўнда изоҳлар,

қоидалар ҳамда уларни мустаҳкамлаш учун мисоллар берилган. Бу ҳол араб тили бўйича унча пухта илмга эга бўлмаган ўқувчига ҳам тилни осонроқ ўзлаштириш имконини берган. Араб тилининг барча грамматик қонун-қоидоарини мукаммал билган Маҳмуд Замахшарийнинг юксак педагогик маҳорати ушбу асарларда ўз аксини яққол топган.

Бундан ташқари олим ўз асарларини илмий нуқтai назардан шунчалар мукаммал яратганки, давр ўтиши билан унинг асарларига ёзилган шарҳлар ва ҳошиялар сони ортиб бораверган. Шунингдек, бир асарнинг турли қисмлари ҳам кейинги даврларда мустақил асарлар сифатида шаклланган ва алоҳида қўлёзмалар тарзида кўчирилган. Бунга аниқ далил сифатида XX асрнинг биринчи чорагига қадар Марказий Осиё мадрасаларида араб тили грамматикаси бўйича асосий дарсликлардан хисобланган “Ҳаракот ул-иъроб”, “Фасл фи-л-хуруф” деб номланувчи асарлар Замахшарий илмий лабораториясига хос бўлган манбаларнинг бўлимларидир.

Маҳмуд аз-Замахшарий инсоният илми хазинасига қимматбаҳо асарлар қўшди ва шу илмий мерос туфайли абадий тирикдир. Хоразмдан етишиб чиққан улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тилининг грамматикаси ҳақида кўп қимматли асарлар яратган. Араблар айтадиларки: Агар шу қўса, чўлоқ бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар! Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча асарларни шу ногирон донишманд яратган. Бу китоблар шу кунгача мусулмон Шарқида долзарблигини, қимматини йўқотмаган.